

**ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари  
(ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)**



Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

**ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.**

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

**МИСОЛ: ишлаб чиқариш корхонасида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш**

Мисол учун, ҚҚСни умумбелгиланган тартибда ҳисобловчи ғишт ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 1000 дона ғишт ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ва ғиштнинг таннархига киритиладиган электр энергияси, табиий газ ва бошқа хом-ашёларнинг қиймати 250,0 минг сўмни ҳамда уларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси 50,0 минг сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, яъни 1000 дона ғишт 400,0 минг сўмга реализация қилинганда 20 фоиз миқдорда 80,0 минг сўм ҚҚС ҳисобланади ва 1000 дона ғиштнинг етказиб бериш қиймати 480,0 минг сўмни ташкил қилади.

Бюджетга тўланадиган реализация қилинган тайёр маҳсулот бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасидан хом-ашё ва материалларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси чегирилган ҳолда аниқланади ва бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 30,0 минг сўмни (80,0-50,0) ташкил қилади.

Яъни, бу маҳсулот реализацияси қийматининг кўпчилик ўйлаганидек 20 фоизини эмас, балки 7,5 фоизини ташкил қилади.

**Ишлаб чиқариш корхонаси соддалаштирилган ҚҚС қўллаганда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини кўриб чиқамиз**

Кўрсаткич	Соддалаштирилган тартиб	Умумбелгиланган тартиб
1000 дона ғишт ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ҳамда ғиштнинг таннархига киритиладиган электр энергияси, табиий газ ва бошқа хом-ашёларнинг қиймати	300 000	300 000
ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган)	0	50 000
Бошқа харажатлар (ҚҚСсиз сотиб олинган)	10 000	10 000
Иш ҳақи ва бошқа харажатлар	50 000	50 000
Ғишт таннархи	360 000	310 000
Корхона фойдаси	90 000	90 000
1000 дона ғиштнинг реализация қилиш қиймати	450 000	400 000
ҚҚС ставкаси	7%	20%
ҚҚС суммаси	31 500	80 000
Ғиштнинг ҚҚС билан етказиб бериш қиймати	481 500	480 000
Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси	31 500	30 000
ҚҚСнинг эффектив ставкаси	7%	7,5%

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики ҳар иккала ҳолатда корхонанинг фойдаси бир хил бўлганда соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи корхонанинг маҳсулоти 1 500сўмга қиммат бўлмоқда. Нархнинг қиммат-лашиши ўз навбатида маҳсулотнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ**



**ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ**

# Қўшилган қиймат СОЛИҒИ



## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ МИСОЛИДА

**Тошкент – 2019**